

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ХАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН НЕФТ-ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА И.М. ГУБКИН НОМИДАГИ
РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc
27.06.2017.GM/Т.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**И. КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

РАХИМОВ АНВАРХОДЖА АКБАРХОДЖИЕВИЧ

**ЎПИРИЛИШЛАРГА ВА ҚУДУҚЛАРНИ СИФАТЛИ ҚУРИШГА
ТАЪСИР ЭТУВЧИ ГИДРОДИНАМИК ВА ТЕХНОЛОГИК ОМИЛЛАР**

04.00.11 - Қудуқларни бурғилаш ва ўзлаштириш технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of dissertation abstract doctor sciences (DSc)

Рахимов Анварходжа Акбарходжиевич

Ўпирилишларга ва қудуқларни сифатли қуришга таъсир этувчи
гидродинамик ва технологик омиллар 5

Рахимов Анварходжа Акбарходжиевич

Гидродинамические и технологические факторы, влияющие
на обвалообразование и качество строительства скважин..... 25

Rakhimov Anvarkhodja Akbarkhodjievich

Hydro dynamical and technological factors affecting the caving and
quality of well construction 49

Эльон килинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 53

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ХАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН НЕФТ-ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА И.М. ГУБКИН НОМИДАГИ
РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc
27.06.2017.GM/T.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**И. КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

РАХИМОВ АНВАРХОДЖА АКБАРХОДЖИЕВИЧ

**ЎПИРИЛИШЛАРГА ВА ҚУДУҚЛАРНИ СИФАТЛИ ҚУРИШГА
ТАЪСИР ЭТУВЧИ ГИДРОДИНАМИК ВА ТЕХНОЛОГИК ОМИЛЛАР**

04.00.11 - Қудуқларни бурғилаш ва ўзлаштириш технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/T77 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация И. Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.igirnigm.ing.uz) ва “ZiyoNet” таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Расмий оппонентлар:

Ульмас Джураевич Мамаджанов

Техника фанлари доктори, профессор

Кулиев Юсиф Мурад ўғли

Техника фанлари доктори, профессор

Акилов Жаҳон Акилович

Физико-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

“Ўзбурнефтегаз” АЖ

Диссертация ҳимояси нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти, Ўзбекистон нефть-газ саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти, Тошкент давлат техника университети ва И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали ҳузуридаги DSc 27.06.2017. GM/T.41.01 рақамли илмий кенгашининг 20__ йил “____” ____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114.Тел/факс: (+99871) 253-09-78, факс: (+99871) 250-92-15, e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация билан “ИГИРНИГМ” Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: (100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114.Тел/факс: (+99871) 253-09-78, факс: (+99871) 250-92-15, e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация автореферати 20__ йил “____” ____ куни тарқатилди.
(20__ йил “____” ____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ю.И. Иргашев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, г-м.ф.д., профессор

М.Г. Юлдашева

Илмий даражалар
берувчи илмий кенгаш котиби, г-м.ф.н.

У.С. Назаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда нефть ва газ қазиб олиш учун бурғилашнинг техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари ишлаб чиқиш ва бурғилаш самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда бурғилашда қудуқ деворларини ўпирилишларга ва уларни сифатли қуришга таъсир этувчи гидродинамик ва технологик омилларни аниқлаш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Жаҳондаги нефть ва газ қазиб олиш амалиётида қудуқларни бурғилаш мураккаб ва кўп харажатли жараён бўлганлиги туфайли янги, такомиллашган ва хавфсиз бурғилаш технологиялари ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишни талаб этмоқда. Бу бурғилаш жараёнини тезлаштириш, қудуқларни лойихада кўрсатилган чуқурлигигача авариясиз етказиш, аниқ геологик-геофизик маълумотлар олиш ва иш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, қудуқ деворини ташкил этган тоғ жинсининг ўпирилиш хавфи бўлган зоналарда бурғилаш технологиясини такомиллаштириш бўйича бир қатор усулларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу ўринда, полимерланган-ингибирланган бурғилаш суюқликларини ишлаб чиқиш, бурғилашнинг оптимал режимини аниқлаш, кўтариш-тушириш операцияларининг тезлиги ва сони таъсирини асослаш ва қудуқларда юз берадиган гидродинамик босимни назорат қилиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ёқилғи-энергетика саноатини ривожлантириш ва нефть-газ тармоғини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чоратadbирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, углеводород хом ашёси қазиб чиқариш ҳажмини ошириш, бурғилашда янги технологияларни жалб этиш ва қудуқлар самарадорлигини ошириш борасида ютуқларга эришилди. Шунингдек, бурғилаш жараёнида қудуқларни сифатли қуришга таъсир этувчи гидродинамик ва технологик омилларга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида¹ «ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатдан янги босқичга ўтказиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, нефть ва газ қудуқларини бурғилашда қудуқ деворлари ўпирилишларга ва уни сифатли қуришга таъсир этувчи гидродинамик ва технологик омилларни асослаш, гил жинсларининг қулаши билан боғлиқ қийинчиликлар даражасини камайтиришда янги реагентини қўллаш, қудуқларни кўрсатилган чуқурликкача асоратсиз бурғилаш ишларини лойиҳалаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори, , 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожланишининг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Кудук деворининг ўпирилиш сабабларини ўрганиш ва унга қарши чора-тадбирлар излашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, компания M-I Swaco (АҚШ), Хитой нефть университети (Хитой), «СургутНИПИнефть» институти (Россия Федерацияси), Ивано-Франко номидаги Давлат нефть ва газ техника университети (Украина), Тошкент Давлат техника университети ва нефть-газ конларининг геологияси ва кидирув институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Тоғ жинсининг ўпирилишига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, илмий натижалар олинган,,: KLA-Sheld, Ultradrill ингибитрланган бурғилаш суюқлиги тизимлари излаб чиқилган (M-I Swaco компанияси, АҚШ); силикат полимер бурғилаш суюқлиги ишлаб чиқилган (Хитой нефть университети, Хитой); фосфат комплекс билан ошланган гил – полимер ва оҳактош эритмаси ишлаб чиқилган («СургутНИПИнефть» институтути, Россия); кучли даражада ингибиторловчи бурғилаш суюқлиги ишлаб чиқилган (Ивано-Франко номидаги Давлат нефть ва газ техник университети, Украина).

Дунёда скважина деворларини ўпирилишига қарши кураш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: махсус реагентлар билан пармалаш суюқликларини ошлаш; уларнинг зичлигини ошириш; скважина деворини цемент билан мустаҳкамлаш ёки мустаҳкамлаш қувурлари билан беркитиш; суюқликнинг сув берувчанлигини пасайтириш; нефть эмульсияли пармалаш суюқликларини қўллаш.

² Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.atlasrockbit.com, <http://www.varelintl.com>, www.samgtu.ru, www.npobuzenie.ru, www.slb.com, www.usco.edu.cn, www.dissercat.com, <http://vbm.ru>, <https://www.amazon.com>, <http://www.mirknigi.ru>, www.mung.edu.ua ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Скважина деворининг ўпирилиши билан пармаловчилар биринчи бор ўтган асрнинг ўрталарида Грозний ва Озарбайжон нефть майдонларида тўқнашдилар.

Скважиналарни пармалашда юз берадиган тоғ жинсининг ўпирилиш сабабларини ўрганиш ва чора – тадбирлар излаш билан қуйидаги олим – тадқиқотчилар шуғулланганлар: Р.И. Шищенко, В.С.Баранов, К.Ф.Жигач, А.И.Булатов, В.Д. Городнов, У.Д. Мамаджанов, А.М. Аминов, Е.А. Лыков, М.К. Сейд-Рза, В.С. Войтенко, В.С. Новиков, W.F.Rogers, G.C.Howard, W.C.Goins, N.J.Adams, Н.А. Сидоров, Г.А. Ковтунов, С.Н. Ятров, А.А. Мавсумов, Д.Р. Маҳмадходжаев, И.И. Климашкин, К.М. Мухитдинов, С.З. Зарипов, А.А.Линевский, Н.И. Шацов, Е.Ф. Филиппов ва бошқалар.

Буларнинг баъзилари скважина деворининг бузилиш сабабларини тоғ жинсини пармалаганда ундаги кучланишнинг ўзгаришига, скважина деворига бўладиган қарши босимнинг етишмаслигига, гил тоғ жинсининг филтрат таъсирида бўкиши билан боғладилар. Қудуқ девори турғунлини пасайиши жинслар ғоваклари босимига боғлиқ деб ҳисобладилар.

Бурғилаш тажрибаси пармалаш суюқлигининг зичлигини ошириш, унинг сувчиллигини пасайтириш, ҳар хил реагентлар билан суюқлигини тайёрлаш тоғ жинсининг ўпирилишини тўхтата олмаслигини кўрсатди.

Олинган натижалар тасодифий ва хамсамарали бўлиб қолмоқда. Шу сабабли пармалаш суюқлигининг зичлиги, сувчиллиги ва уларнинг таркиби, гил жинсларнинг сувланиши осмотик ва капилляр ходисалар таъсирида бўкиши скважина деворининг ўпирилишида асосий сабаб бўла олмайди. Бу омиллар иккиламчи сабаб бўлиши мумкин.

Шундан қилиб, тоғ жинсининг ўпирилиш муаммоси кудуқларни бурғилашда ҳал бўлмай қолмоқда. Ушбу масалага жиддий ёндошиш ва ушбу муаммони тадқиқ қилишни давом эттириш зарур.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг ва «Ўзбекнефтегаз» МХКсининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг: «Ўпирилишига мойил тоғ жинсларини пармалашда скважина деворининг турғунлигини таъминлаш» (2009-2010 йй.) ва «Фарғона ва Сурхондарё воҳасида скважиналар деворининг ўпирилиш сабабларини ўрганиш ва чора-тадбирлар ишлаб чиқиш» (2011-2012 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кудуқларни бурғилаш жараёнида тоғ жинсларининг ўпирилиш сабабларини аниқлаш ва ўпирилиш натижасида мураккаб шароитлар вужудга келган зоналарда кудуқлар қурилишини сифатли тугатиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кудуқнинг геологик кесимида учрайдиган гил тоғ жинсига ҳар хил кимёвий таркибли суюқликлар таъсирини аниқлаш;

ҳар хил муҳитдаги гил тоғ жинсини вақт давомида бўкиш кинематикасини ўрганиш;

гил тоғ жинсининг сувланиш қобилиятининг унинг ҳажмий зичлигига боғлиқлигини аниқлаш;

кудуқ девори турғунли пасайишининг гил тоғ жинсининг сувланиш қобилиятига ва зичлигига боғлиқлигини ўрганиш;

бурғилаш суёқлиги сувчиллигининг кудуқ девори ўпирилишига таъсирини белгилаш;

бурғилаш колоннасини кўтариш ёки туширишда ҳамда кудуқни ювишда юзага келадиган гидродинамик босимнинг тоғ жинсининг турғунлигига таъсирини ўрганиш;

тоғ жинсининг кучланиш ҳолати ва тузилиш ўзгаришининг бурғи турига ва ишлашига боғлиқлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти. Нефть ва газ конлари, майдонлари, нефть ва газга истиқболли уюмлардаги геологик кесимда учрайдиган, ўпирилишларга мойил гил жинслар ётқизиклари.

Тадқиқотнинг предмети. Гил тоғ жинсларидан иборат скважина деворининг мустаҳкамлиги йўқолишига физик-кимёвий жараёнлар ва гидродинамик кучлар таъсирини белгилаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг асосий усули кудуқларни бурғилашда учрайдиган гил тоғ жинсларининг ўпирилиш муаммосини ҳал қилишда ушбу муаммо бўйича маълум назарий ҳолатлар ва концепцияларни қўллаган ҳолда комплекс ёндашишдан иборатдир. Мавжуд бўлган ҳақиқий бурғилаш материаллари, тоғ жинслари ўпирилган ва тўкилган кудуқлардан олинган геологик-геофизик далилларни таҳлил қилиш усули қўлланилди. Тоғ жинсининг турли омиллар таъсирида бўкиши, жинсларнинг мустаҳкамлиги ва ўтказувчанлиги сусайишини лаборатория ва экспериментал тадқиқотлар усулларида фойдаланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тоғ жинси мустаҳкамлигининг ўзгариши бурғилаш колоннасини тушириш ва кўтариб олиш сони ҳамда тезлигига боғлиқлиги аниқланган;

суёқликни айлантириш тикланганда бурғилаш насосининг “ишга тушириш”даги босимнинг гил тоғ жинсининг кучланиш ҳолатига таъсири асосланган;

шарошкали бурғи тишлари маълум солиштирма юклама куч остида тоғ жинсида кудуқ доирасидан ташқарига тарқалувчи юқори кучланиш ҳосил этиб, унинг мустаҳкамлигини камайитириши ва ўпирилишига олиб келиши аниқланган;

шарошкали бурғилар тоғ жинслари массивида деформацияни юзага келтириши ва натижада бурғилаш қоришмаси филтратлари кириб қоладиган макро ва микро ёриқликлар юзага келиши исботланган;

геофизик тадқиқотлар ҳамда бурғилашда олинган гил жинслари заррачаларининг (шлам) амалдаги зичлигини унинг нормал зичланган тоғ жинси зичлиги (тоғ жинси назарий зичлиги) билан таққослаш натижасида тоғ жинсининг қулаш зоналарини аниқлаш услуги ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

кудукларнинг ўпирилиш ҳавфи бор интервалларини бурғилаш технологияси ишлаб чиқилди ва амалиётда тадбиқ этилган;

бурғилаш колоннасини кўтариш-тушириш тезлигини оптималлаштириш учун автоматик система ишлаб чиқилди, унинг намунаси ишлаб чиқариш синовидан ўтказилган;

кудук ва бурғилаш қувурлари диаметрлари ва ундаги бурғилаш суюқлигининг хоссаларига боғлиқ ҳолда бурғилаш колоннасини тушириш оптимал тезлигини аниқловчи формула берилган;

тоғ жинси қаттиқлигига боғлиқ ҳолда шарошка тишини ботиришдан юзага келадиган кучланишлар радиусини аниқловчи формула топилди;

бурғилаш суюқлиги турлари ва улар таркибини қўллаш ва кудук конструкциясини танлаш бўйича тавсиялар берилган.

Тадқиқотлар натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги турли эритмалардаги гил жинслари қаттиқлигининг сусайиши ва бўқиши лаборатория тадқиқотлари орқали тасдиқланди. Шунингдек, натижаларнинг ишончлилиги тушириш-кўтариш операцияларида юзага келадиган тебранма босимлар таъсир этган гил жинсларининг мустаҳкамлигини аниқлаш бўйича кудукларда ўтказилган экспериментал тадқиқотлар тасдиқлади.

Тадқиқотлар натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, кудук деворининг турғунлигига таъсир этувчи илгари маълум бўлмаган омил аниқланди. Кудук деворининг ўпирилиши фақатгина бурғилаш суюқлигининг таркиби ва хусусиятига боғлиқ бўлиб қолмай, бунга асосан тушириш-кўтариш операциялари ва кудукни ювишда пайдо бўладиган гидродинамик босим сабабчи экан. Бу концепция кудук бурғилаш лойиҳасини тузишда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертация натижаларини қўллаш кудукларни бурғилашда уларнинг деворини ўпирилишдан сақлайди, кудуклар қурилиши ва уларни лойиҳада кўрсатилган чуқурликкача олиб бориш жараёнини тезлаштириш имконини беради. Умуман олганда, буларнинг барчаси бурғилаш ишлари самарадорлигини оширишга ва геологик-геофизик маълумотларни бойитишга олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бурғилаш жараёнида гил қатламидан иборат бўлган кудук деворининг қулаши сабабларини аниқлашга қаратилган тадқиқотларнинг илмий натижалари асосида:

«Ўзбекистон нефть ва газ конларида қуловчи тоғ-жинслари мавжуд кудукларни бурғилаш» RH 39.0-098:2011 раҳбарий ҳужжат ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқаришга жорий қилинган (“Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамиятининг 2017 йил 16 августдаги 16/2-57-сон маълумотномаси). Натижада мураккаб шароитларда кудукларни бурғилаш, кудук девори

турғунлигини таъминлаш, кўзда тутилмаган сарф-харажатларнинг олдини олиш имконини берган;

Фарғона минтақасида бурғиладда кудук деворини ўпирилишдан сақлаб қолиш технологияси жорий этилган (“Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамиятининг 2017 йил 16 августдаги 16/2-57-сон маълумотномаси). Натижада кудукларни асоратсиз ва лойиҳада кўрсатилган чуқурликкача бурғилаш, моддий-техник ва пул маблағларини тежаш имконини берган;

Сурхондарё минтақаси кудукларини бурғиладда эрувчан полимер реагентини қўллаш жорий қилинган (“Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамиятининг 2017 йил 16 августдаги 16/2-57-сон маълумотномаси). Натижада полимер реагентини қўллаш гил жинсларининг қулаши билан боғлиқ қийинчиликлар даражасини камайтириш, кудуклар қурилишини тугаллаш муддатларини қисқартириш ва моддий ресурсларни тежаш имконини берган;

шимолий Хаққулобод майдони 1-кудукда бурғилаш колоннасини тушириш ва кўтариш жараёнида гидродинамик босимнинг гил тоғ жинсларининг мустаҳкамлиги ва ўтказувчанлигига таъсирини баҳолаш амалиёти ишлаб чиқаришга жорий қилинган (“Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамиятининг 2017 йил 16 августдаги 16/2-57-сон маълумотномаси). Натижада кудук девори турғунлиги учун хавфсиз бўлган бурғилаш колоннасини кўтариб тушириш сони чегарасини аниқлаш, кудук деворлари мустаҳкамлигини таъминлаш ва кудукни асоратсиз ҳамда авариясиз тугатиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иши чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 14 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 203 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Скважиналарни пармалашда деворларнинг ўпирилиш муаммоларини ўрганилганлик ҳолатини таҳлил қилиш” деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон ва бошқа регионларда скважиналарни пармалашда учрайдиган тоғ жинсларининг ўпирилиш муаммоларини ўрганишга, кўпгина махсус адабиётларнинг ёритилишига бағишланган.

Қудукларни бурғиlashда учраб турадиган асоратларнинг энг мураккаб ва оғирларидан бири тоғ жинсларининг турғунликни йўқотиши натижасида ўпирилиши ва тўкилишидир. Бу ҳодиса бирдан, тасодифан юз бериб, пармалаш колоннасини босиб қолади. Пармалаш суюқлигининг айланиши ҳам тўхтаб қолади. Баъзан тоғ жинси парчаланиб тўкилади. Бунда пармалаш суюқлигида майда тоғ жинслари кўпайиб чиқади.

Гил қатламларининг ўпирилиши кўпинча депрессияга учраган ҳудудларда кузатилади, масалан, Фарғона ва Сурхондарё воҳаларида скважиналарни пармалашда бу ҳодиса тез-тез учрайди. Шунинг учун ҳам бу ҳудудларда кўп скважиналар охирига етказилмаган, фалокатга учраб, тўхтаб қолган. 40 дан кўпроқ асоратга учраган скважиналарнинг ҳолати ўрганилди. Бунинг ярми (50%) скважина девори ўпирилиши билан боғлиқ. Деворларининг ўпирилиши сабабли Шўрбулоқ, Қоражийда, Гумхона, Хонқиз, Гаджак, Актау, Бакати ва бошқа майдонларда скважиналар қайта-қайта пармаланган ёки тўхтатилган.

Тоғ жинсининг ўпирилиши туфайли скважина диаметрлари кенгаяди, унинг кўндаланг кесими доира шаклини йўқотиб, кўп бурчаклик ёки овал шаклга айланади. Бу ҳол мустаҳкамловчи трубаларни цементлашда кўнгилсиз оқибатларга олиб келади. Шу туфайли трубалар орқасига цемент бормай қолган жойлар нефть ёки газга йўл бўлади, фонтанлар бошланади.

Фарғона ёки Сурхондарё майдонларида тоғ жинсининг ўпирилиши палеоген ва неоген даврлари қатламларида учрайди. Чунки бу даврларда тектоник ҳаракат активлашган, қатламлар деформацияга учраб, микро-макро ёриқлар ҳосил этган, бу эса тоғ жинсларининг мустаҳкамлигини сусайтирган.

Скважина деворларининг ўпирилиш сабабларини Ўзбекистон, Озарбайжон, Чеченистон, Краснодар, Ставропол, Қозоғистон, ва бошқа мамлакатларда тадқиқотчилар ўрганиб, чора-тадбирлар кўришган. Лекин, ҳозиргача бир фикрга келиша олмаган. Бири тоғ жинсининг ўпирилиш сабаби уни ҳаддан ортиқ кучланиши деса, бошқаси тоғ жинсининг бўшлиғидаги босим дейди. Яна бошқалар эса тоғ жинси билан пармалаш суюқлиги орасидаги физикавий ва кимёвий жараён деб кўрсатади.

В.Д. Городнов, гил тоғ жинсини сув таъсир қилиб, унинг физик-кимё ўзгаришларга олиб келади, айниқса, натрий турли гиллар жуда бўкишга мойил, дейди. Гил жинси сувга бўкканда унинг ҳажми ошади. Уни фикрича, гил тоғ жинсларини ўпирилишига сабаб унинг сувга бўкиши.

Машхур озарбайжон олими М.К. Сеид-Рза скважина деворини турғунлиги билан мукаммал шуғулланган ва шундай фикрни билдиради: тоғ жинси деформация таъсирида қулайди. Агар тоғ жинсига узоқ давр ўзгарувчан куч таъсир қилиб турса, у ҳолда деформация тезлашади ва ўпирилишга мойил бўлади.

Е.А. Лыков, Р. Мўминов ва И. Филипченко скважиналарни пармалашда олинган маълумотларга таяниб, тоғ жинсининг ўпирилиши ғоваклик босимдан деб билишади. Бу фикрни қабул қилишга ўйланиб қоласан. Чунки гил тоғ жинсидаги ғоваклар ҳажми жуда-жуда кичик, булар сув билан тўлган, кенгайиш қобиляти йўқ. Бунда умумий мувозанат мавжуд. Табиат ундаги сувни шундай жипслаб қўйганки, ғовакдан қўзғатиш учун катта куч керак.

Кўп тадқиқотчилар скважина деворининг ўпирилишига тоғ босимининг горизонтал тармоғи (ёndoш босим) сабаб деб биладилар. Чора-тадбир сифатида скважина ичидан босимни кучайтиришни, суюқлигини оғирлаштиришни тавсия этадилар. Аммо скважинада суюқликни оғирлаштириб, скважина ичидаги босимни тоғ босимидан оширилганда ҳам ўпирилиш тўхтамаган. Бунга мисоллар кўп. Чунки бир хил тоғ жинслари бўлишига қарамай ёndoш босим ҳар хил бўлади. Суюқликни оғирлаштириш билан скважина деворининг ўпирилиши тўхтамайди.

Скважина деворининг ўпирилишига - тоғ босими сабабчи деган фикр пармалаш суюқлигини ноўрин оғирлаштиришга олиб келди. Бу эса пармалаш ишларини сусайтирди, ортиқча маблағ сарфланишига олиб келди.

Баъзилар скважина деворининг ўпирилиш сабабини суюқлик сув берувчанлигига боғлайди. Лекин сув берувчанлиги $3-4\text{см}^3$ бўлган суюқликлар қўлланганда ҳам скважина деворининг ўпирилиши тўхтамаган. Пармалашда скважина деворини ўпирилишдан сақлаш учун нефт эмульсия қўллашни тавсия этганлар ҳам бор. Аммо бошқа тадқиқотчилар бунга қарши фикр билдирадилар. Уларнинг тахминлари бўйича нефть гил заррачаларининг ораларига кириб, уларни бўшаштириб юборади.

А.М. Аминов “Скважина деворларининг турғунлигига температура салбий таъсир кўрсатади”, - дейди.

А.М. Мирзаев, И.И. Климашкин, М.Т. Юнусходжаевлар цемент ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлган чиқиндилар асосида карбонат полимер суюқлигини тавсия қиладилар.

Мексика кўрфази, Калифорния, Оклахомада скважина деворини ўпирилишдан сақлаш мақсадида пармалаш суюқлигига Poly Plus полимер модда қўшади.

А.И. Булатов ва бошқалар гидродинамик кучларнинг ўзгаришидан кўра кўпроқ унинг зарба миқдори тоғ жинсининг ўпирилишига сабаб деган ҳулосага келишган.

Скважиналарни пармалашда учрайдиган тоғ жинсининг ўпирилиши билан кураш жуда кўп куч ва маблағ талаб қилади, пармалаш суратини пасайтириб юборади. Бу курашнинг самараси тоғ жинсининг ўпирилиш сабабларини илмий асосда аниқлашимиз ва шунга муносиб чора-тадбир қўллашимизга боғлиқ.

Хулоса: тоғ жинсларидан ташкил топган скважина деворининг ўпирилиш сабаблари тўла ўрганилмаган, тадқиқотчилар орасида қарама-қарши фикрлар мавжуд.

Скважиналарни пармалашда учрайдиган тоғ жинсининг ўпирилиши

катта муаммо бўлиб, масалани ҳал қилиш долзарб вазифа ҳисобланади. Бу эса ижодий гуруҳларнинг яқиндан ёндошишини талаб қилади.

Диссертациянинг **“Скважиналар деворининг ўпирилиш сабабларини ўрганиш”** деб номланган иккинчи бобида гил жинсларининг турғунлигига таъсир этувчи омилларни ўрганиш услублари ва тадқиқот натижалари берилган. Скважина девори гил тоғ жинсларидан иборат бўлса ўпирилишга мойил. Гил жинси ўта майда турли хил минераллардан қават-қават тузилган. Унга сув тегса хусусияти ўзгаради. Гилларнинг хоссаларини ўрганиш бир қанча қийин, чунки унинг фракция ва кимёвий таркиби ўзгарувчан, турли хил бўлади.

Гил тоғ жинсини пармалаб ўтишда физик-кимёвий жараёнлари таъсирида унинг хоссаларини ўзгариши, унинг турғунлигини аниқлашда турли хил услублар яратилди:

1. Гил жинсининг турғунлиги деформация хоссалари билан аниқланади. Бунинг учун скважина деворининг моделини ясаб, унга ҳар томонлама куч билан таъсир қилинади ва унинг ўзгариши кузатилади. Агар моделнинг ўлчовлари ўзгармаса, бундай гилнинг турғунлиги баланд деб ҳисобланади. Бизнинг фикримизча бундай текширув табиий ҳодисани кўрсата олмайди.

Табиий тоғ жинслари узоқ давр орасида таркиб топган, буни моделлаштириб бўлмайди. Эксперимент билан олинган рақамлар, натижалари юзаки, шартли бўлиши мумкин. Энг яхшиси табиий тоғ жинсини прессда сиқиш.


2. Гил тоғ жинсининг турғунлигини сувга бўқиши билан баҳолаш. Бу услуб тоғ жинсининг сув шимиши ва мустаҳкамлигини йўқотишига асосланган. Бир грамм гил қанча сув шимганлиги билан унинг турғунлигига баҳо берилади.

3. Гил тоғ жинсининг турғунлигини сув шимиш тезлиги билан баҳоланади.

4. Гилнинг механик мустаҳкамлиги билан ҳам уни турғунлигига баҳо берилади.

Лекин, қилинган тадқиқотлардан қатъий назар, Ўзбекистон майдонларида учрайдиган тоғ жинсларининг турғунлигига таъсир этувчи омилларни ўрганиш, тадқиқотни давом эттириш керак.

Фарғона ва Сурхондарё водийларидаги майдонларнинг геологик тизимида учрайдиган гил қатламларининг турғунлигини ўрганиш учун биз анъанавий услубларни қўлладик. Палеоген даврининг сумсар яруси, неоген даврининг (БРС) номли тоғ жинсларининг сувга бўқишини текшириб кўрилди. Намуналар ер юзига чиқиб қолган тоғ жинсларидан тайёрланди. Кимёвий модда эритилган сувга тоғ жинсини ташлаб сув сатҳини ўзгариши кузатилди. Кузатиш 20 соат давом этди. Мензуркадаги сув сатҳининг ўзгариши тоғ жинси ютган суюқлик миқдори бўлиб, уни намуна массасига бўлинди. Кузатув натижалари 1-расмда келтирилган.



1-расм. Гил жинсининг сувда бўкиш кинетикаси:

1 – 1% NaCl эритмиси; 2 – 1% КМЦ эритмиси; 3– 1% CaCl₂; ΔV – ютилган филтрат миқдори, см³/г; t – вақт, соат.

Бундан кейин гил жинсининг мустаҳкамлигига реагентлар таъсири гил намунасини пресслаш билан ўрганилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики: CaCl₂ тезда адсорбция қилиб гил заррачаларини яна ҳам майдаланишига тўсқинлик қилди. “К” турли полиакрил намунани сув ютишига тўсқинлик кўрсатмади, натижада унинг мустаҳкамлиги камайиб кетди.

К-4 реагенти гил намунасини кўпроқ бўкишга олиб келди. Натижада гил жинсининг мустаҳкамлиги камайди К-4 реагентини шимган намунани турғунлик коэффиценти меёридан пастлаб кетди ($K_y < 0,34$). Полиакрилонитрил реагентларни молекулаларини ўрнашиши эмас, аксинча, ундаги ишқори ҳисобига бўшаштириб юборади.

Ишқорли реагентлар NaOH, Ca(OH)₂ гил тоғ жинсини бўшаштириб юборади. Органик моддалари (УЦР, КМЦ, КССБ) гил заррачасини ўраб олиб капилляр оқимни кескин сусайтириб, унинг сув тортишини камайтиради.

Кальций хлорлик сув эритмиси таъсирида гил жинсидаги Na иони Ca ионига алмашиб, диффузия қобиғининг сиқилишига олиб келади. Натижада тоғ жинсининг яъни гил жинсининг мустаҳкамлиги ошади.

Гил жинсининг бўкиш кинетикасини кўрсатишга таҳлили, унинг бўкиш жараёни бошланғич даврида керакли сув хажми 70-90% шимириб олишини кўрсатмоқда. Бу эса капилляр бўшлиқларини сув билан тўлдиришига боғлиқ. Кейинчалик бўкиш жараёни сусайиб қолади.

Пармалаб ўтилатган гил тоғ жинсига мос суюқлик тайёрлаш учун унинг физикавий хоссаларини, кимёвий таркибини билиш керак. Лекин бундай ахборот олиш жуда қийин. Шунинг учун пармалаш суюқлик таркибини танлашда гилнинг гидратация қобиляти эътиборга олинади.

Гил жинсининг гидратация қобилятини ВолгоградНИПИнефт берган формула билан аниқлаймиз:

$$Q = \frac{100}{0,31 \rho_{\Phi}} - 120, \quad (1)$$

бунда Q – гидратация қобилияти;

ρ_{ϕ} – гил ҳақиқий зичлиги, г/см^3 .


Гил жинсининг гидратация қобилиятини аниқлаш гилнинг ҳақиқий зичлигини аниқлаш билан бажарилар экан. Геофизика усули формуладан кўриниб турибдики, гилнинг зичлиги қанча паст бўлса, гидратация шунчалик баланд, сувни кўп шимиб, турғунлиги паст бўлар экан.

Гил зичлиги лабораторияда ҳамда геофизик асбоблари билан скважинада аниқланади. Автор икки услуб билан олинган натижаларни солиштириб кўрилганда, уларнинг яқинлигини аниқлади.

Гил жинсининг гидратация қобилиятини аниқлашда геофизика усули билан олинган маълумотлардан фойдаланса бўлади.

Лабораторияда ва геофизика усули билан олинган маълумотларга асосланиб, пармалаш суюқлик таркиби тавсия этилди.

Ҳар хил кимёвий моддалар кўшилган суюқлик сув берувчанлигининг тоғ жинсининг турғунлигига таъсири ўрганилди. Палеоген даврини сумсар ярусидан олинган намуналар КМЦ, К-4, НПВР кўшилган суюқликда 24 соат сақланиб, сўнгра уларнинг турғунлиги текширилди. Тадқиқот натижалари 2-чи расмда берилган.



2-расм. Турғунлик коэфффициентининг (K_y) суюқлик сувчиллигига (B) боғлиқлиги: 1-КМЦ, 2-НПВР, 3-К-4.

Биз “ВНИИКРнефть” услуги билан Фарғона ва Сурхондарё майдонларидаги Массажет қатлам жинсларининг турғунлигини ўргандик. Бу услуб тоғ жинсининг ўпирилишга мойиллигини кўрсатади:

$$\beta = \frac{\rho_{\phi}}{\rho_{\text{ну}}} , \quad (2)$$


бунда β – турғунлик кўрсаткичи;

ρ_{ϕ} – тоғ жинсининг ҳақиқий зичлиги;

ρ_{ny} – тоғ жинсининг назарий зичлиги.

ρ_{ϕ} – ни ρ_{ny} – га нисбатан пасайиб кетиши тоғ жинсининг турғунлиги камлигини кўрсатади. Бу услуб тоғ жинсларининг турғунлигини аниқлашда бошқа услублардан кўра қулайроқ. Гилларнинг турғунлигини унинг механик хоссаларидан ҳам билиш мумкин. Бундай аниқлашда П.А. Ребиндер услуби ёки конусли пластомер услуби кўп қўлланади.

Конусли пластомер услуби намланган тоғ жинсига конуснинг кириб боришини ўлчашдан иборат. Тоғ жинсининг намланиш даражасини унинг механик мустаҳкамлигига таъсирини ўрганиш учун биз П.А. Ребиндер приборига ўхшаш асбоб ясадик ва унда тадқиқот ўтказдик. Бунинг натижалари 3-расмда кўрсатилган.



3-расм. Тоғ жинсининг мустаҳкамлигини (P_m) сув ютиш ($V_{ю}$) қобилиятига боғлиқлиги

Гил тоғ жинси сувга бўкканда заррачалар юзасида гидратация қобиғи қалинлашади ва заррачалар яна ҳам майдаланиб кетади (пентизация). Бу жараёнлар гилнинг мустаҳкамлигини пасайтиришга олиб келади.

Гил турғунлигини бу кўрсатилган услуб билан аниқлаш нисбий хулоса беради. Скважина девори билан суюқлик орасида ўтаётган физикавий ва кимёвий жараённи кўрсата олмайди.

Хулоса: гил тоғ жинсларининг турғунлигини аниқлашда бир қанча услублар мавжуд. Булар тоғ жинсида пармалаш суюқлиги таъсиридан физик-кимёвий ўзгаришларини аниқлашга асосланган. Тажрибада бунинг исботи мунтазам эмас, фавқулодди. Демак, табиатда тоғ жинсининг турғунлигига таъсир этувчи бошқа сабаблар бор.

Диссертациянинг “Скважина деворининг турғунлигига гидродинамика таъсирини ўрганиш” деб номланган учинчи бобида гидродинамик босимни скважина деворига таъсирини ўрганишда ўтказилган тадқиқотлар ва натижалар келтирилган.

Скважиналарни пармалашда юз берган девор ўпирилишларини текшириш, ўрганиш шуни кўрсатдики, ҳар хил реагентлар қўшилган пармалаш суюқлиги таъсирида тоғ жинсида юз бераётган физикавий-кимёвий ўзгаришлар қўшимча аҳамиятга эга. Асосий сабаблардан эмас. Суюқлик ва ундаги кимёвий моддалар тоғ жинсининг мустаҳкамлигини, молекулалар орасидаги кучларни заифлаштиради. Тоғ жинсининг ўпирилиши учун қандайдир ташқи куч бўлиши керак. Бизнинг фикримизча, шундай куч пармалаш колоннаси кўтариб-туширишда, скважинани ювишда пайдо бўлаётган, ниҳоятда ўзгарувчан, гидродинамик кучлар бўлиши керак. Бу куч тоғ жинсининг кучланиш ҳолатини ўзгартириб юборади. Бу ўзгариш скважина ичидаги босим ва тоғ жинсидаги босимнинг фарқидан келиб чиққан.

Скважина деворининг ўпирилиши тоғ жинсидаги кучланиш ўзгаришидан келиб чиқади. Тоғ жинси пармалаб ўтилгандаёқ куламайди. Бир қанча вақтдан сўнг қулайди. Бу вақт ҳар хил майдонлар учун бир хил даври геологик ва технологик омилларга боғлиқ. Қатламларнинг қиялиги, бўшлиги, заррачаларнинг цементланиши геологик омиллар ҳисобланади. Буларни биз ўзгартира олмаймиз.

Скважина диаметри, скважина ичидаги босимнинг қиймати ва ўзгарувчанлиги, пармалаш суюқлигининг ҳоссалари, трубаларни кўтариб-тушириш, бурғини айланиш тезлиги технологик омиллар дейилади.

Технологик факторлар иш бажарувчиларнинг билими ва тажрибасига боғлиқ.

Скважина деворининг ўпирилиш сабабларини англаш учун юқорида кўрсатилган омиллардан энг муҳими скважина ичида пайдо бўлаётган босимнинг қиймати ва унинг тез-тез ўзгариши. Пармалаш колоннасини кўтариш ёки туширишда, скважинани ювишда катта босим пайдо бўлади. У жуда тез-тез ўзгариб туради. Бу эса скважина деворига қаттиқ таъсир кўрсатади.

Пармалаш колоннасини кўтариб-туширишда ҳосил бўладиган гидродинамик босим унинг тезлигига боғлиқ. Колоннани кўтариб-тушириш тезлиги текис бўлмайди. Шунинг учун скважина ичида ўзгарувчан босим юзага келади.

Скважинада пармалаш суюқлигининг қатламга кириб кетиши сабабли гидродинамик босим пайдо бўлиши ва уни қандай омилларга боғлиқлигини кўп тадқиқотчилар ўрганишган. Лекин гидродинамик босимнинг скважина деворига, унинг турғунлигига таъсири деярли ўрганилмаган.

Скважина деворининг ўпирилиши пармалаш колоннасини кўтариб-туширишга, тоғ жинсини узоқ вақт беркитилмай қолдиришга боғлиқ эканлигига биринчилар қаторида биз эътибор қилдик. Тоғ жинсларининг

ўпирилиш сабабларидан асосийси гидродинамик босим бўлиб, бунга пармалаш суюқлиги филтратларининг таъсири ёрдамчи бўлган.

Пармалаш колоннасини кўтариб-тушириш суръатини тезлаштириш скважина деворини ўпирилишга, қатламларнинг ёрилиб кетишига ва нефт-газ фонтанларига олиб келади.

Пармалаш колоннасини кўтариш ёки туширишда скважина деворига 5-6 МПа босим таъсир этади. Бурғилаш колонналарини тушириш тезлиги бир текис бўлмай, ўзгарувчан бўлади. Шу туфайли скважинада бирдан катта зарба юзага келади. Зарба тоғ жинсининг ўпирилишини тезлаштиради, унда ёриқлар ҳосил қилади. Гил жинсининг баъзи турлари, масалан алевролит, аргиллит мўрт бўлади. Мўрт тоғ жинслари унчалик катта бўлмаган куч таъсирида деформацияга учрайди. Улар бирдан, кутилмаганда, жуда тезлик билан қулайди.

Тоғ жинсининг ҳолатини скважинада ўрганиш мураккаб масала. Бу масалани моделлаштириш янада қийин, чунки кўп маълумотларни олдиндан билиб бўлмайди. Скважинада юз бераётган омилларни лабораторияда яратиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ўзгарувчан гидродинамик босимни гил тоғ жинсига таъсирини скважинада ўрганишга қарор қилдик. 1 – Хаққулбод (Фарғона) скважинасини танладик. Бу тажрибани ўтказиш учун мослама ясадик, дастур тайёрладик. Мослама трубадан тайёрланган контейнердан иборат бўлиб, унинг ичига гил тоғ жинсларидан тайёрланган намуналар жойланди. Бу мослама оғирлаштирилган трубалар устига ўрнатилган бўлиб, трубаларни кўтариш ва туширишда қатнашади. Скважина ҳосил бўлаётган босим тоғ жинси намуналарига ҳам таъсир кўрсатади. Ҳисобланган кўтариб-туширишдан сўнг намуналарнинг бир қисми синовга олиниб, прессда мустахкамлиги текширилади. Тоғ жинси қанча босим ўзгаришига чидай олади. Биз бунинг чегарасини аниқлашимиз керак.

Бизнинг тажрибамиз гил тоғ жинси пармалаш колоннаси тезлиги 1,1-1,3 м/с бўлганда 7000 гидродинамик зарбага чидашини кўрсатди. Тоғ жинсининг турғунлик коэффиценти критик даражага яқин ($K_y \leq 0,34$). Вақт ҳисобида бу 1100 соат ёки 46 сутка бўлади.


Тоғ жинсининг турғунлигини узайтириш учун трубаларни кўтариб-тушириш суръатини пасайтириш ва бир текис тезликда олиб бориш керак.

Пармалаш колоннасини ҳаракат тезлиги 0,5-0,7 м/с бўлиши тавсия этилади. Шунингдек, Бурғулаш колоннасини кўтариб-тушириш ишларини камайитириш учун кўпроқ махсулдор долоталарни қўллаш керак.

Трубалар бир текис тезликда ҳаракат қилса масса тезланиши бўлмайди, демак, инерция ҳам ($j=a \cdot m$) бўлмайди. Бундан ташқари гидродинамик босимни пасайтириш учун пармалаш суюқлигини реологик ва механик хоссаларини пасайтириш зарур. Скважина ва трубалар оралигини кенгайтириш йўли билан гидродинамик босимни сустлатиш мумкин.

Скважинадан ўтказилган тажриба натижалари 4-расмда акс эттирилган.

Скважина деворига берилган зарбани кўпайиши тоғ жинсини мустахкамлигининг пасайишини 4 –расмда кўрсатилган.



4-расм. Тоғ жинсининг мустаҳкамлиги босимнинг ўзгариш сони билан боғликлиги: $\sigma_{сж}$ - жинсни мустаҳкамлиги; n - босимнинг ўзгариш сони

Шу тажриба натижалари асосида пармалаш колоннасининг мумкин бўлган тезлигини аниқловчи тенглама олинди. Бурғилаш колонналарини тушириш тезлигини билиб ва уни бир текисда ушлаб туриш учун (Карабаев Т.К. ва Петров В.С. билан) автоматик система яратдик.

Скважинани суюқлик билан ювишда гидравлик қаршилик таъсирида трубалар ва скважина девори орасида тўлқинли босим вужудга келади. Бунинг сабаблари: поршенли насоснинг маҳсулоти ва клапан, компенсаторнинг бузуқлиги.

Гидродинамик босим насосларни ишга қўйишда кучаяди. Гидродинамик босим кўп жиҳатдан суюқликни реологик ва тиксотроп хоссаларига боғлиқ. Бу босим “ишга тушириш” босими дейилади. Бу босим юқори бўлганлиги учун баъзан қатлам ёрилишига, макро-микро ёриқлар, суюқлиги қатламга кетиб қолишига олиб келади.

Юқорида айтиб ўтилган сабаблардан хулоса: пармалаш жараёнида суюқлик реологик хоссаларига эътибор кучайтирилиши керак. Уни СНС ва ДНСни химреагентлар билан пасайтириш ва ёғловчи моддалар қўшиш тавсия этилади.

Шу далилларни тасдиқлаш мақсадида баъзи бир химреагентларни суюқлик хоссаларига таъсирини тадқиқ қилинди.

Ўтказилган тадқиқот натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Суюқликларнинг тиксотроп хоссалари

Суюқлик турлари	Суюқлик кўрсаткичлари					
	ρ , г/см ³	η , мПас	τ_0 , дПа	θ_1 , дПа	θ_{10} , дПа	σ_0 , дПа
Реагентсиз суюқлик (РҚ)	2,2	40	220	82	170	620
РҚ + 0,5 % соапсток	2,2	10	70	45	70	180
РҚ + 0,05 % ALL Temp	2,2	13	85	33	60	170

1-жадвалдан кўриниб турибдики – соапсток (ёғ заводларини чиқиндиси) суюқлик мустаҳкамлигини пасайтиришда яхши натижа берган.

Босим тўлқинларининг амплитудасини пасайтириш учун уч цилиндрлик ёки ўқли насос ишлатилгани маъқул. Шунингдек пармалаш суюқлигини реологик хоссаларини пасайтириш зарур.

Пармалаш суюқлигининг реологик хоссалари ва унинг босимга таъсирини ўрганиш билан У.Д. Мамаджанов, Ж.А. Акилов, А.М. Аминов ва бошқалар шуғулланган.

Уларнинг тадқиқотлари асосида Ўзбекистон майдонларида скважиналарни пармалашда ижобий натижаларга эришилган.

Бизлар ҳам ВСН-3 приборда НПВР, ФХЛС ва бошқа реагентларни реологияга таъсирини ўргандик. Лабораторияда ўтказилган тадқиқот кўрсатдики: ФХЛС реологиясига яхши таъсир кўрсатди, НПВРдан устунлигини билдирди.

